

**Ургут тумани ҳокими М.М.Турдиевнинг кам таъминланган оилалар учун Мерганча массивида қурилган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни фойдаланишга топшириш маросимидаги**

**М А Ъ Р У З А С И**

**Ассалому алайкум!**

**Азиз меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари!**

**Ҳурматли Зойир Тоирович!**

**Ҳурматли Ҳиммат Қучқорович!**

Авваламбор, Сизларни яқинлашиб келаётган янги 2017 йил билан туман ҳокимлиги ва фаоллари, кенг жамоатчилик номидан сидқидилдан табриклайман. Мустақил Юртимизнинг фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизга омад, барчангизга соғлиқ-саломатлик ҳамда оилавий бахт тилайман.

Бугунги тадбиримиз мамлакатимизда сиёсий жипислик, миллатлараро тотувлик, ўзаро бағрикенглик ўзининг самарасини яна бирқарра намоён этган, сиёсий жараён яқунланиб, халқимиз келажакка бефарқ бўлмасдан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг сафдоши ва издоши, унинг сиёсий меросхўри бўлган Шавкат Миромоновични янги Президент этиб сайлаб олган, Конституция қабул қилинган умумхалқ байрами кенг нишонланган ва янги йилни кўтаринки руҳда кутиб олишга тайёргалик даврида ўтказилиши билан янада аҳамиятлидир.

Ҳаммамизга маълумки, Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуслари ва 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167 қарорлари асосида мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бошланиб кетди. Ушбу қарор қабул қилингандан буён унга асосан туманимизда қарийб 800 та бундай уй-жойлар қурилди. Натижада мана кўз ўнгимизда бир вақтлар чўлни эслатадиган “Чашма” давлат хўжалиги тошлоқ ерлари ўрнидан бугун ҳар қандай шаҳардан қолишмайдиган шаҳарча пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Президенти Шавкат Миромоновичнинг ташаббуслари ва 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида”ги қарорларига асосан аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам, арзон, янгиланган намунавий уй-жойлар билан таъминлаш бошланди.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, туманимизда қисқа муддатларда арзон нархларда 2 сотихли мана шу 10 та уй-жойлар қуриб битказилди. 4 подъезли 16 та хонадонли, 2 қаватли 2 та уй-жой қурилиши якунига етказилмоқда.

Бугун кўчиб кираётган 10 та оиланинг қувончини гувоҳи бўлиб туримиз.

Мен уларни ушбу шинам ва кўркам уй-жойлар билан табриклаган ҳолда ижозатларингиз билан уй-жойларни тантанали равишда очиш ва уларнинг калитларин эгаларига топшириш учун Сўз навбати **эҳтиром ила** ўзимизнинг сеvimли ҳокимимиз бўлган, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, **ҳурматли Зойир Тоирович Мирзаевга** берилади.

**Марҳамат Зойир Тоирович!**